



## ҒАЛЛАЧИЛИК ҚҰЙИ ТАРМОҒИНИНГ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТИЗИМИ

**Ильмуратов Шовкат Махсумович**

Астрахан давлат техника университетининг

Тошкент вилоятидаги филиали

ORCID: 0009-0009-2746-4634

[shavkat.elmurodov@mail.ru](mailto:shavkat.elmurodov@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада ғаллачилик қуйи тармоғининг самардорлиги масалаларини тадқиқ қилиш асосида унга таъсир кўрсатувчи омиллар туркумланган, уларнинг ғаллачилик кластерларини ташкил этишга таъсири баҳоланган, кластер тизимида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнлари босқичларининг алгоритми шакллантирилган. Шунингдек, ғаллачилик кластерлари фаолиятининг самардорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** ғаллачилик кластери, харажат, даромад, иқтисодий самардорлик, самардорлик мезонлари, рентабеллик, моддий-техник таъминот, уруғлик, менерал ўғит, мавсумийлик, моделлар ва методлар, омиллар, инфратузилма, инвестиция.

## СИСТЕМА ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЗЕРНОВОДЧЕСКОГО ПОДКОМПЛЕКСА

**Ильмуратов Шовкат Махсумович**

Филиал Астраханского государственного технического

университета в Ташкентской области

**Аннотация.** В данной статье на основе исследования вопросов эффективности зерноводческого подкомплекса классифицированы факторы, влияющие на эффективность, дана оценка на организации зерноводческих кластеров, сформирован алгоритм этапов осуществления процессов производства, переработки и реализации в системе кластера. А также, даны предложения по повышению эффективности деятельности зерноводческих кластеров.

**Ключевые слова:** зерноводческий кластер, расходы, доходы, экономическая эффективность, критерий эффективности, рентабельность, материально-техническое обеспечение, семена, минеральное удобрение, сезонность, модели и методы, факторы, инфраструктура, инвестиция.

## SYSTEM OF FACTORS AFFECTING THE EFFICIENCY OF THE GRAIN SUB-COMPLEX

**Ilmurotov Shovkat Makhsumovich**

Branch of Astrakhan State Technical University in Tashkent region

**Annotation.** This article classifies the factors influencing the efficiency of the grain farming subsector based on a study of its effectiveness. It provides an assessment of the organization of grain farming clusters and formulates an algorithm for the stages of production, processing, and marketing processes within the cluster system. Moreover, it is offered recommendations for improving the efficiency of grain farming clusters.

**Key words:** grain farming cluster, expenses, income, economic efficiency, efficiency criteria, profitability, material and technical support, seeds, mineral fertilizers, seasonality, models and methods, factors, infrastructure, investment.

**Кириш.**

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ғаллачилик етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда тармоқни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев раислигида 2021 йил 27 октябрь куни қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида, 2022 йилдан ғаллачилик кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилишини маълум қилди (Мирзиёев, 2021). Шунингдек, кластер ва фермер хўжаликлари 3 йил давомида ҳар гектардан 2,5 тонна ғаллани биржа савдоларига чиқариши талаб этилади. Қолган ҳосилни эса тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилиши (Мирзиёев, 2021) таъкидланди. Бундай улкан, кенг қамровли ва масъулиятли вазифаларни рўёбга чиқариш улар ечимига концептуал ёндашувларни тақозо этмоқда. Хусусан, ғаллачилик кластерларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илмий-услубий, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий таъминоти самарадорлигини баҳолашнинг интеграл мезонларини шакллантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шунингдек, тармоқда самарадорликни оширишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда.

**Адабиётлар шарҳи.**

Мамлакатимиз олимларининг ишларида кластерларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳозиргача анъанавий ёндашувлар (ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, фойда, рентабеллик ва ҳ.к.) қўлланилиб келинмоқда. Мазкур масалага оид илмий ва ўқув-услубий манбаларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиндики, умуман кластерларининг, хусусан ғаллачилик кластерларининг ҳам, молия-хўжалик фаолияти иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси ўта мунозарали ва долзарб масала ҳисобланади. Ундаги зиддиятларнинг моҳиятини тушуниш учун эса, иқтисодий самарадорликни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни тизимли тадқиқ қилишимиз зарур.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг илмий ишларида иқтисодий самарадорлик, хусусан қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари иқтисодий самарадорлиги масалалари тадқиқ қилинган. Жумладан, Абдуғаниев (2004) «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчаларини қуйидагича таърифлайди: «иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгрок мазмунга эга. Иқтисодий самарадорликда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда миқдори қанча кўп бўлса, иқтисодий

самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди».

Муртазаев ва Ахроров (2017): «Республика шароитида ғаллачиликнинг барқарор социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш учун даставвал барча турдаги ғалла экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг реал имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш зарур» деб ҳисоблайдилар.

Шунингдек, уларнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш омилларига қуйидагилар киради:

«I. Ресурслар ва харажатлар бўйича: 1. Меҳнат сиғими; 2. Ер сиғими; 3. Фонд сиғими; 4. Материал сиғими.

II. Вужудга келишининг асосий йўналишлари: 1. Технология; 2. Ихтисослаштириш ва концентрация; 3. Меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнат ҳақи; 4. ФТТ ва илғор тажриба; 5. Хўжалик ҳисоби ва ижара.

III. Хўжалик юритиш даражаси бўйича: 1. Халқ хўжалиги; 2. Тармоқ; 3. Ички хўжалик» (Муртазаев, Ахроров, 2017).

Хорижда, хусусан МДХ мамлакатларида аграр соҳада иқтисодий самарадорликнинг ҳар хил назарий ва амалий масалалари кўплаб иқтисодчи-олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Жумладан, Резников (1998) иқтисодий самарадорлик тушунчасининг моҳиятини тўлароқ англаш мақсадида уларни бир неча турларга бўлишни таклиф қилган. Хусусан, у самарадорликни тўртта: иқтисодий, технологик, ижтимоий, экологик каби турларга ажратган.

Свободин ва Свободина (1999) самарадорликни ишлаб чиқариш-технологик, ишлаб чиқариш-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа самарадорлик турларига бўлган. Кирдянов (1997) эса, Свободин ва Свободина (1999) томонидан санаб ўтилган самарадорлик турларига хўжалик ҳисоби самарадорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилашдан олинган индивидуал самарадорликни кўшиш таклифини киритган.

Романенконинг (2006) тадқиқотлари ғалла экинлари селекциясининг иқтисодий самарадорлигига бағишланган бўлиб, у **ишлаб чиқариш самарадорлиги** кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар мажмуини яратишдан иборат, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу **тармоғи** нафақат жамиятнинг эҳтиёжини қондириш, балки барқарор ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-ахлоқий ва экологик алоқалар ҳамда мунобатларни уйғунлаштириш асосида динамик ривожланишига имкон яратади.

Алтухов, Нечаев, Трубилин, Карсанов, Санду (2005) иқтисодий самарадорлик деганда, ишлаб чиқариш ёки инсоннинг бошқа фаолияти натижаларида олинган қиймат кўрсаткичларида тавсифланадиган категория тушунилади.

Коваленко (1998), Дорохов (1998) ва бошқа агроиқтисодчи-олимлар иқтисодий самарадорлик мезони сифатида рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланишни таклиф қилганлар. Ўзбекистонда бундай фикрни Муртазаев ва Ахроровлар (2017) ёқлаганлар. Хусусан, улар иқтисодий самарадорликнинг муҳим мезони сифатида рентабелликка алоҳида тўхталиб, “рентабеллик ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.

2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташқи омиллар” деб кўрсатганлар.

Албатта, рентабеллик даражаси ишлаб чиқариш харажатларининг бир бирлиги (бир сўми) ҳисобига фойда олиш нуқтаи назаридан, ишлаб чиқаришнинг қанчалик самарали эканлигини кўрсатади. Рентабеллик фойданинг ишлаб чиқариш

харажатларига нисбати сифатида аниқланганида ишлаб чиқариш воситаларидан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги тавсифланади.

Гордеев ва Бутковскийнинг (2003) фикрига кўра, ғалла ишлаб чиқаришга энг юқори даражада таъсир кўрсатувчи барча омилларни тўртта гуруҳга бирлаштириш мумкин: ижтимоий, иқтисодий, моддий-техник таъминот ва табиий-иқлим (шу жумладан, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар).

Сўнги, тўртинчи гуруҳ омиллар борасида Бабаджанованинг (2023) тадқиқотларида иқлим ўзгаришининг буғдой ҳосилига таъсирини иқтисодий баҳолаш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, уруғ қўллаш ва минерал ўғитларни қўллашни 1 фоизга ортиши умумий ҳосилни 22 фоиз ва 32 фоизга оширганлиги, сув сарфининг 1 фоизга ортиши эса умумий ҳосилни 0,3 фоизга оширганлиги илмий асосланди. Шунингдек, ўртача ёзги ҳароратнинг 1 фоизга ортиши ялпи ҳосилни 16,2 фоизга камайишига олиб келиши аниқланган. Шунингдек, иқлим омиллари ўзгариши ва шўрланиш даражасининг ошиши ҳисобига буғдой ҳосилдорлиги 2019 йилда ўртача 45,8 ц/га, 2020 йилда 45,5 ц/га камайиши аниқланди ҳамда ушбу тенденцияни сақланиб қолиши 2030 йилга келиб 41,7 ц/га га камайиши прогнози, фермерларнинг иқлим ўзгариши маълумотларига эгалиги ҳамда “эрта огоҳлантириш тизими”ни қўллаш ҳисобига республика ҳудудларидаги бошоқли дон етиштирувчи хўжаликлар ҳосилининг 8-9 фоизга сақлаб қолиш имконияти мавжудлиги илмий асосланган. Демак, ушбу тадқиқотлар натижаларига таяниб, фараз қилишимиз мумкинки, ғаллачилик кластерларини ташкил этишда самарадорликни ошириш учун уруғлик ва минерал ўғит, иқлим омиллари ҳам инobatга олиниши лозим.

Ткаченко ва Великановалар (2008) фикрига кўра, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бошқаришни такомиллаштириш ҳисобланади. Уларнинг фикрича, ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ўсимликчиликни бошқаришнинг янги моделлари ва методларини ишлаб чиқиш, технологик карталарни ҳисоб-китоб қилиш ва тузиш, технологияларни ҳар хил иқтисодий-математик методлар ёрдамида таҳлил қилиш ва танлаш йўли билан ҳал этиш зарур. Ушбу муаммоларни эса қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш доирасида ҳал этиш зарур.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида аввало умумий методологик асос сифатида диалектика; илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, индуктив-дедуктив, абстракт-мантикий методлар, қиёслаш каби назарий умумилмий методлардан фойдаланилди. Умумилмий эмпирик методлардан эса, илмий ва қомусий манбаларни шарҳлаш, кузатиш ва ретроспектив таҳлил усуллари қўлланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Бизнингча, шарҳланган илмий ва ўқув-услубий манбалар шарҳи ҳамда амалиётни кузатиш натижасида тўпланган эмпирик маълумотларни умумлаштириб, минтақавий ғаллачилик кластери фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, ғалла ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайдиган омилларга бевосита боғлиқдир. Уларни келиб чиқишига кўра қуйидагича туркумлашимиз мумкин: табиий-иқлим, моддий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва технологик омиллар (1-расм).

Қишлоқ хўжалигида, хусусан ғаллачиликда табиий-иқлим гуруҳига кирувчи омиллар асосий ҳисобланиб, зарур даражадаги иқлим шароитлари мавжуд бўлмаса, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш мумкин эмас. Ушбу тоифа омилларга ҳарорат ва намгарчилик, тупроқнинг маҳсулдорлиги, мазкур ҳудудда кўп кузатиладиган табиий ҳодисалар (қурғоқчилик, сув тошқини, совуқ уриши, ёнғинлар ва ҳ.) киритилиши мумкин.



**1-расм. Ғаллачилик кластерларини ташкил этиш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи омиллар**

Ушбу шарт-шароитлардан келиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб беришга тўғри келади: мазкур ҳудудда ўсимликчиликни ривожлантириш мумкинми, ўсимликчиликнинг қайси турини танлаш мумкин, қандай навларни танлаш мақсадга мувофиқ, қандай агротехнологиялар қўлланилади ва ҳ.к. Мамлакатимизнинг минтақаларида ўсимликчилик ҳар хил ривожланган.


Ўсимликчиликнинг муҳим хусусияти мавсумийлик бўлиб, бутун тармоқ, хусусан ғаллачиликнинг ҳам, самарадорлиги мавсумий агротехнологик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга боғлиқ.

*Кейинги гуруҳ* – моддий-техник омиллар бўлиб, унга қуйидагилар киради: қишлоқ хўжалиги техникасининг етарлилиги; қишлоқ хўжалиги техникасини сақлаш ва хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган техник иншоотлар; кластернинг маъмурий биноси ва техник қурилмалари; хом ашё материаллар ва ёқилғилар таъминоти; минерал ўғитлар, уруғлик, кўчат ва экиш материаллари ва ҳ.к. Ғаллачилик кластерида ушбу омилларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Аммо ушбу омилларга таянч биринчи гуруҳ омиллар – ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги таъсир кўрсатади.

Ғаллачилик кластери фаолиятининг самарадорлигини белиладиган *ижтимоий-иқтисодий омилларга* қуйидагиларни киритиш мумкин: қишлоқ хўжалик ходимлари яшайдиган ҳудуднинг инфратузилмалари; ҳудудда (ёки яқин масофада) зарур профилдаги олий таълим муассасалари, ғалла кластери тизимидаги корхоналарнинг ички хўжалик иқтисодий-молиявий ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизмининг йўлга қўйилганлиги; техникумлар, коллежлар ва касб-ҳунар мактаблари мавжудлиги; ишчиларнинг малака даражаси; минтақа (туманда)ги демографик вазият; қишлоқ хўжалик ходимларининг иш ҳақи даражаси; инвестиция фаолияти (ички, ташқи) даражаси; ғалла ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг сотиш баҳоси ва бошқалар. Ушбу омиллар, юқорида кўриб чиқилганларидан фарқли ўлароқ, барчаси ҳам ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигига боғлиқ эмас, аммо маҳсулотларни сотиш баҳоси унга бевосита боғлиқдир.



Ғаллачилик кластерлари фаолиятининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг охири гуруҳини **технологик омиллар** ташкил этади. Ушбу гуруҳ омиллар ғаллани «ишлаб чиқариш - қайта ишлаш - сотиш» жараёнининг технологик босқичларига асосланган. Ғалла ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини ривожланганлик даражаси бўйича қуйидаги алгоритм кўринишида тақдим этамиз (2-расм).



2-расм. Ғаллани «ишлаб чиқариш - қайта ишлаш - сотиш» жараёнининг технологик босқичлари

Омилларнинг ушбу гуруҳига қуйидаги элементлар кирази: ғалла етиштириш ва ҳосилни йиғиштириш технологияси, йиғилган ҳосилга дастлабки ишлов бериш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш. Ушбу элементлардан ҳар бири ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, фикримизча, ушбу элементлар ғаллачилик кластери тизимида илмий-услубий асосланган ҳолда ташкил этилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Агротехнологиянинг тўғри танланиши ва амалга оширилиши ҳосилдорликни оширишга ёрдам беради; йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик ва уни тезкор ҳамда сифатли ўтказиш ҳосил йўқотилишининг олдини олади; йиғилган ҳосилга дастлабки ишлов бериш эса, маҳсулотларни сақлаш ёки сотишга пухта тайёрлашга имкон беради; сақлаш ғаллани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида фермерлар учун мақбул баҳо шаклланган вақтида сотиш имконини беради; қайта ишлашни юқори даражада ташкил этиш ёндаш тармоқларда (масалан, чорвачиликда) харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулотларни кластер тизимидаги корхоналарда ишлатиш самарадорлигини оширади ва хом ашё сотишдан эмас, балки уни қайта ишлашдан тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисобига даромад оширилишини таъминлайди.

Соҳа мутахассислари ғаллани сақлаш вақтида содир бўладиган йўқотишларни бир неча турларга бўладилар. Улар орасида энг катта улушни ташкил этадиганлари оғирлигининг йўқолиши ва сифатининг пасайиши ҳисобланади. Шунингдек, жисмоний ва биологик шакллардаги камайиш ҳам мавжуд. Масалан, ғаллани сақлаш вақтида содир бўладиган биологик йўқотишга ғалланинг димиқиб қолиши, ўсиб кетиши, каналар,

ҳашаротлар ва микроорганизмларнинг ривожланиши, қизиб ўз-ўзидан ёнғин содир бўлиши, қушлар ва кемирувчилар зарар етказиши ва бошқалар. Жисмоний йўқотишларга ғалла ҳосилига ҳар хил (масалан, механик) шикаст етказилиши, шамол учириши ва сочилиб-тўкилиши кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сақлаш жараёнида ғалла оғирлигининг пасайиши жисмоний йўқотишлар ва биологик жараёнлар таъсири натижасида содир бўлади. Лекин йўқотишнинг айнан битта тури ҳар хил маҳсулотлар бўйича ҳар хил нисбатда бўлади. Масалан, мева-сабзавот маҳсулотларининг сўлиш (қуриш) аломатлари бўлмасдан, намлигини йўқотиши меъёрланадиган ҳамда қонуниятли ҳисобланади, ғаллани сақлаш жараёнида намлигининг камайиши эса, йўқотишга кирмайди ва ижобий жараён ҳисобланади.

Жисмоний йўқотишларнинг бошқа бир тури – ғалла маҳсулотларини ташишда ва пўстини тозалаш билан боғлиқ, ҳисобга олинмаган йўқотишлар ҳисобланади. Ғалланинг ўз-ўзидан қизиши сифатининг пасайилишга ва 3 % дан 8 % гача оғирлигини йўқотишга олиб келади.

Барча санаб ўтилган технологик омиллар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, технологик занжирнинг мустақамлиги ва узайтирилганлиги ғаллачилик кластери тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигининг оширилишини таъминлайди.

Ғаллачилик кластерининг ўзи технологик занжирнинг узайтирилганлигини танлаш ҳуқуқига эга. Ғалла йиғиштириб олиниши билан дарров сотилиши ҳам мумкин, аммо бунда олинадиган фойда кам бўлиши мумкин. Агарда, ғаллачилик кластери ўз маҳсулотларини истеъмолга тайёр ҳолигача қайта ишлаб сотса, у ҳолда албатта юқори фойда олинади. Аммо бу ерда ҳар хил вариантлар бўлиши мумкин: *биринчиси* – ғалла қайта ишлаш учун чет ташкилотга берилиши мумкин; *иккинчиси* – кластернинг ўзида қайта ишлаш цехини қуриш; *учинчиси* – кластердаги бир неча корхона шериклик асосида умумий қайта ишлаш комплексини қуриши мумкин. Фикримизча, ҳозирги шароитда, биринчи вариант энг қиммат, фойдасиз бўлиб, қайта ишлаш билан шуғулланувчи чет ташкилотлар ўз хизматлари учун жуда юқори баҳо белгилайдилар. Иккинчи вариантда ишлаб чиқарувчи, фақатгина унинг ишлаб чиқариш ҳажми, қурилган қайта ишлаш цехининг қийматини қоплайдиган бўлсагина, фойда келтиради. Учунчи вариант, агар шерикликдаги қайта ишлаш комплексининг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган, зарур миқдордаги ғалла маҳсулот етказиб бера оладиган манфаатдор корхоналар мавжуд бўлганида мақбул ҳисобланади. Шунингдек, учунчи вариант минтақадаги бир нечта манфаатдор кластерлар ўртасида шерикликда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қайта ишлаш босқичлари тўғрисида сўз юритилганида, маҳсулотнинг қай қўринишидалигига ҳам эътибор қаратиш зарур. Агар биз ғалла маҳсулотини истеъмол қилинадиган тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлайдиган бўлсак, у ҳолда уни сотиш ва бозордаги рақобатбардошлиги масаласи вужудга келади. Ғаллани ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина қайта ишлаш, масалан, ўзининг чорва моллари учун омукта ем тайёрлаш ва ўз ички истеъмоли билан чекланади.

Ғалла ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайдиган технологик омиллар гуруҳи, нафақат ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигига, балки мавсумга ҳам боғлиқ. Масалан, ғаллачилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ғалла ишлаб чиқариш мавсумийлигининг оқибатларини камайитириши мумкин. Натижада, бутун ғаллачилик кластери ва унинг таркибидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Шундай қилиб, ғаллачилик кластери фаолиятининг самарадорлигини белгилайдиган омиллар гуруҳи аҳамиятлилик даражасининг пасайиб бориши бўйича технологик омиллардан бошлаб, сўнгра табиий-иқлим омиллари, моддий-техник ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан яқунланади.

Ғалланинг ишлаб чиқариш самарадорлигига қандай омиллар таъсир кўрсатса, етиштирилаётган ғалла сифатига ҳам, деярли шу омиллар таъсир кўрсатади: экиш материали (уруғлик тури, нави ва уни экишга тайёрлаш, ГОСТ бўйича уруғлик синфи); етиштириш шароити (географик жойлашуви, тупроғи, алмашлаб экиш, ўғитлаш, сўғориш, зараркунандалар ва касалликлар билан зарарланиши, иқлим ва об-ҳаво шароити); ҳосилни йиғиштириш шароитлари (йиғиштириш муддатлари ва усуллари, техника воситаларидан фойдаланиш ҳолати ва режими, об-ҳаво); ҳосилни юклаш, ташиш, тушириш (транспортларнинг турлари ва ҳолати, идишлар, ташиш масофаси, об-ҳаво шароитлари); бирламчи ишлов бериш (ишлов бериш турлари, усуллари ва ўз вақтидалиги, машиналарнинг иш режими, об-ҳаво шароитлари); ҳосилни сақлаш (сақлашга тайёрлаш, сақлаш усуллари ва омборхоналарнинг турлари, сақлаш режими, назоратни ташкил этиш); корхоналарда қайта ишлаш (рецептураси, қўлланиладиган аппаратура, жараённинг технологик схемаси, кластер бренди ва ҳ.).

Ғалла ҳосилини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича мамлакатимизда қарор топган амалиёт товар ишлаб чиқарувчилар учун ҳар доим ҳам ижобий самара бермаяпти. Бу асосан олдинги даврда қурилган ва кейинчалик хусусийлаштирилган йирик дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари (элеваторлар) томонидан ўрнатилган монополиялар таъсири сақланиб қолаётганлиги билан боғлиқ. Ғаллачилик кўйи тармоғи маҳсулотларининг асосий қисми сақлаш учун махсус шароитларни талаб этади. Монополист-ташкilotлар эса, ўз хизматлари учун ҳаддан ташқари юқори тўлов талаб қилиб, бу пировард натижада ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари камайишига, ҳатто зарар кўришларига олиб келмоқда. Кўпинча айнан мана шу сабабдан кўпчилик ғалла етиштирувчи фермерлар йиғилган барча ҳосилни йиғим-терим тугаши биланоқ, паст баҳоларда сотишга мажбур бўлмоқдалар.

Агарда ғаллачилик кластери таркибида чорвачилик хўжалиги бўлса, доннинг бир қисмини ўзининг озукага бўлган эҳтиёжлари учун қайта ишлаши кўпроқ наф келтириши мумкин. Аммо кўпчилик янги ташкил этилган ғаллачилик кластерларида ҳали донни қайта ишлаш цехлари мавжуд эмас. Қайта ишлаш учун чет ташкilotларга бериш эса, ишлаб чиқарувчи корхона учун зарарли, қимматга тушади ва бунинг ҳисобига маҳсулотлар таннархи ошиб кетмоқда. Кластер тизимидаги ҳар бир ғалла ишлаб чиқарувчи корхонада қайта ишлаш цехи қуриш мақсадга мувофиқ эмас, чунки унинг қуввати қайта ишлаш учун дон етишмаслиги оқибатида бекор туриб қолиши мумкин. Бу муаммони кластер тизимидаги бир нечта товар ишлаб чиқарувчилар кооперациялашиб, қайта ишлашни ташкил этиш йўли билан бартараф этиши мумкин. Бундай вазиятда энг мақбули ғаллачилик кластери доирасида уйғунлашган омукта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобланади.

Ғаллачилик кластерини ривожлантирадиган шарт-шароитлардан яна бири, минтақада қарор топган дон бозорининг фаолият кўрсатиш шартлари ҳисобланади. Бу анча мураккаб шартлардан бўлиб, кўплаб ҳар хил вазиятлар товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги мавқеини туширишга олиб келади.

*Биринчидан*, ғаллачиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари кўпчиликини ташкил этиб, бу улар ўртасида кучли рақобатни вужудга келтирмоқда, аммо улардан ҳар бирининг бозордаги мавқеи мустаҳкам эмас.

*Иккинчидан*, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган кўплаб ҳар хил доимий харажатларни қилишга мажбур бўладилар. Мазкур ҳолат ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши билан бирга, уларнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ёмонлашуви ҳам олиб келмоқда.

*Учинчидан*, ишлаб чиқаришдаги узлуксиз ва узоқ давом этадиган биологик жараёнлар туфайли, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бозордаги таклифни талабга мослаштириш имониятига деярли эга эмас. Чунки, қишлоқ хўжалигининг мавсумийлиги сабабли экишдан тортиб то ҳосилни йиғиб-териш олгунга



қадар бўлган вақт бир неча ойлаб давом этади.

*Тўртинчидан*, ғалланинг катта қисми ёз мавсумида бозорга кириб келиши туфайли истеъмолчи унинг ҳаммасини харид қила олмайди, натижада, бозорда маҳсулотнинг вақтинчалик ошиқчалиги вужудга келиб, унинг баҳоси пасайиб кетишига олиб келади.

*Бешинчидан*, кўпчилик ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари йирик туман ва вилоят марказларидан, ғаллани сақлаш ва қайта ишлаш жойларидан узоқда жойлашган бўлади. Бу ҳолат ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарига ўз маҳсулотларини сотишда мураккабликлар келтириб чиқаради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Мазкур муаммога оид илмий ва ўқув-услубий манабаларни таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, кўпчилик олимлар кластерларни ташкил этиш масаласига ижобий, лекин турлича, кўпинча тарқоқ ёндашмоқдалар.

Тадқиқотимиз натижалари тасдиқлашича, ғаллачилик кластери ғалла етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардаги барча иштирокчилар, шу жумладан, фермер хўжаликлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, молия ташкилотлари, ҳар хил дараждаги маҳаллий ҳокимият органларининг яхлит конструктив фаолият кўрсатувчи тизими сифатида шаклланиши лозим. Бунинг натижаси, ғаллачилик кластерлари фаолиятида қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кластер тизимидаги кичик ва ўрта корхоналарга инновацияларни жалб қилишнинг ўсиши;

- иқтисодий ривожланишда ҳудудий ва ижтимоий жиҳатлар самарадорлигининг ошиши;

- кластер тизими ичида яширин иқтисодий муносабатлар пасайиши.

Шунингдек, ғаллачилик кластерининг иқтисодий самарадорлигини ушбу тизимдаги барча ғалла ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, ғаллани сақлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари, ун маҳсулотлари (нон, кондитер, макарон ҳ.к.) ишлаб чиқарувчи корхоналар, илмий-услубий, ахборот ва маркетинг хизмати ва бошқаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига бериладиган уйғунлашган баҳо сифатида қараш керак. Шунингдек, фақатгина асосий ва айланма капитал, ер ва инсон капиталининг биргаликдаги таъсири натижасида, барча йўналишлар бўйича ғаллани, ун ва ун маҳсулотларини эркин сотиш натижасида ғаллачилик кластери иқтисодий самарадорликка эришади.

Ва ниҳоят, минтақавий ғаллачилик кластери инновацияларга йўналтирилган, ҳудудий алоҳидалашган, аграр соҳанинг ҳар хил тармоқларини бирлаштирувчи уйғунлашган тузилма ҳисобланади. Бундай кластер фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ғалла ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи (ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган) корхоналарнинг барчасида фойданинг ўсиши, синергетик самара билан тавсифланади.

### **Adabiyotlar/ Литература/ Reference:**

Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. (2004) Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: 256-бет.

Алтухов, А.И., Нечаев, В.И., Трубилин, А.И., Карсанов, К.Б., Санду, А.И. (2005)

*Повышение эффективности производства зерна на основе научно-технического прогресса.* - М.: Агри Пресс, - 208 с.

Бабаджанова М.М. (2023) Иқлим ўзгаришининг буғдой ҳосилига таъсири иқтисодий баҳолаш. и.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент. -Б. 25-26.

Гордеев, А.В., Бутовский, В.А. (2003) Россия - зерновая держава. - М.: Пищепромиздат, - 508 с.

Дорохов, М. (1998) Методика определения экономической эффективности технологий и сельскохозяйственной техники / М. Дорохов. - М.: Колос, - 220 с.

Кирдянов, Н.И. (1997) Повышение эффективности производства и переработки мяса. - М., - 194 с.

Коваленко, Н.Я. (1998) Экономика сельского хозяйства. С основами аграрных рынков: курс лекций / Н.Я. Коваленко. - М.: Ассоц. Тандем; ЭКМОС, - 448 с.

Мирзиёев Ш.М. (2021) Ш.М. Мирзиёев раислигида 2021 йил 27 октябрь куни қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи, <https://daryo.uz/k/2021/10/27/>.

Муртазаев О., Ахроров Ф. (2017) Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент, - 400 бет.

Резников, Н.А. (1998) Состояние и эффективность сельскохозяйственного хозяйства в переходный период. - М.: Экономика и информатика, - 192 с.

Романенко, Т.Н. (2006) Экономическая эффективность селекции зерновых культур и использование новых сортов в сельскохозяйственном производстве: автореф. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Романенко Татьяна Николаевна. Майкоп, - 24 с.

Свободин, В., Свободина, М. (1999) Экономический механизм восстановления и развития сельского хозяйства / В. Свободин, М. Свободина // АПК: экономика, управление. - № 9. - С. 20-23.

Ткаченко, В.В., Великанова, Л.О. (2008) Предпосылки совершенствование моделей и методов управления производством зерна / В. В. Ткаченко, Л. О. Великанова // Современные проблемы науки и образования. - № 4 - С. 121-123.